Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2016 ЙИЛ 14 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 140 (13.203)

Баҳоси эркин нархда

МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗНИНГ ТЕРАН ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди" ва "Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир" номли китоблари "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилди.



Маълумки, давлатимиз раҳбари жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида шу йил 30 июнь – 1 июль кунлари Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бўлиб, мазкур вилоятларнинг фаоллари, хотин-қизлар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашиб, самимий суҳбатлашди.

Ушбу китоблардан ана шу суҳбатлар пайтида Юртбошимиз томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ўрин олган бўлиб, уларда нафақат Сурхон ва Қашқа воҳалари, балки бутун мамлакатимизнинг бугунги ҳамда эртанги тараққиёти, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни, обод ҳамда фаровон ҳаётни янада мустаҳкамлаш ва қадрига етиш, олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни чуқурлаштириш, бунёдкорлик ишларини янги босқичга кўтариш, ёшларимизни соғлом, баркамол қилиб тарбиялаш каби ўта муҳим ҳамда долзарб масалалар бўйича фикр юритилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақалари сингари Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятларида ҳам улкан ўзгаришлар рўй бергани мазкур китобларда алоҳида таъкидланади. Мустабид тузум даврида асосан пахта хомашёси етиштириш билан чекланган бу воҳаларда бугунги кунда замонавий технологиялар билан жиҳозланган йирик саноат корхоналари, коммуникация тармоқлари фаолият кўрсатаётгани, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб, қишлоқ ҳамда шаҳарлар қиёфаси тубдан ўзгариб, одамларнинг турмуш даражаси, онгу тафаккури, дахлдорлик ҳисси тобора ортиб бораётгани ва бундай ютуқлар замирида мужассам бўлган омиллар ҳақида теран фикр-мулоҳазалар баён қилинади.

Мазкур вилоятларнинг ўзига хос табиати, улкан иқтисодий ҳамда инсоний салоҳияти, бетакрор қадрияту анъаналари, Сурхондарё ва Қашқадарё заминининг мард ҳамда олижаноб инсонлари тўғрисида Юртбошимиз катта меҳр ва ғурур туйғулари билан фикр юритади.

Ушбу китобларда тарихан қисқа муддатда Термиз, Қарши ҳамда Шаҳрисабз шаҳарларининг таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб, мамлакатимизнинг энг йирик, жадал ривожланиб бораётган иқтисодий ва маданий марказларига айлангани аниқ мисоллар асосида таҳлил этилади.

Президентимизнинг китобларида мустақиллик йилларида халқимиз, Ватанимиз эришган барча ютуқ ҳамда марраларда ҳамма худудларимиз қатори Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари меҳнаткашларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги чуқур миннатдорлик билан эътироф этилади.

Ҳажман кичик, лекин мазмунан чуқур бу китобларни "Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди" деган ҳаётий ҳақиқат бош ғоя сифатида бирлаштириб туради.

Мухтасар айтганда, Президентимиз Ислом Каримовнинг мазкур рисолалари истиқлол йилларида мамлакатимиз қандай оғир ва мураккаб, шу билан бирга шарафли йўлни босиб ўтгани, мустақиллик ҳар бир вилоятимиз, шаҳримиз ҳамда қишлоғимиз, ҳар бир юртдошимиз ҳаётида буюк ўзгаришларга асос ва замин бўлаётганини чуқур англашга хизмат қилади ҳамда ана шу бебаҳо неъматни қадрлаб, уни ҳимоя қилиб яшашга даъват этади.

(ЎзА)

25 O'ZBEKISTON МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Тошкентда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2016 йил 1 июндаги Қарорига мувофиқ ташкил этилган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси давом этмоқда. Ярмарка иштирокчилари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги корхоналарда, боғларда бўлиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар самаралари, мева-сабзавот етиштириш, сақлаш ва қадоқлаш тизими билан танишди.





ДУНЁ ИШБИЛАРМОНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШДАН МАНФААТДОР

AGROEXPO INTERNATIONAL FRUIT AND VEGETABLE FAIR

Президентимиз раҳнамолигида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантириш, озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни кенгайтириш, фермерлик ҳаракатини ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш борасида амалга оширилган туб ислоҳотлар самарасида мамлакатимиз тарихан қисқа даврда озиқ-овқат мустақиллигига эришди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мамлакатимизда мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, боғдорчиликни ривожлантириш ва экспорт ҳажмини оширишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Ярмарка иштирокчилари Тошкент вилоятидаги "Gold Dried Fruits" масъулияти чекланган жамияти ва "Экоагропродукт" фермер хўжалигида бўлиб, мева-сабзавотларни сифатли сақлаб, экспортга тайёрлаш жараёни билан бевосита танишди.

2013 йилда ташкил этилган "Gold Dried Fruits" корхонаси қуритилган сабзавот маҳсулотлари ва зираворлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Юздан зиёд ишчи меҳнат қилаётган корхона бир кунда 120 тонна ҳосилни қайта ишлаш қувватига эга. Маҳсулотларнинг 90 фоизи экспорт қилинмоқда.

Корхона томонидан Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида 400 гектарда турли мевалар, Пискентдаги 200 гектар майдонда сабзавотлар етиштириш йўлга қўйилган. Замонавий иссиқхоналарда сабзавот ва кўкатлар парваришланмоқда.

Корхона бош директори Муроджон Валиевнинг айтишича, бу ерда Хитой, Германия, Бельгия каби мамлакатларда ишлаб чиқарилган илғор технологиялар ўрнатилган. Бу йигирмадан ортиқ турдаги сабзавотлар, ўндан зиёд мева ва полиз экинлари, турли кўкатларни қуритиш, музлатиш ва қадоқлашда қўл келмоқда. Жорий йилда Жанубий Кореяга гилос, Молдовага қуритилган мевалар, Россияга мева-сабзавотлар экспорт қилинган.

"Караван XXI век" компаниясининг етакчи мутахассиси Оксана Чернованинг (Беларусь) таъкидлашича, Беларусда Ўзбекистоннинг қуритилган мевалари жуда машҳур. Энди ҳўл меваларни сотиб олишни кенгайтириш мақсадида "Gold Dried Fruits" корхонаси билан шартнома тузиш бўйича музокаралар ўтказилмоқда.

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги "Экоагропродукт" фермер хўжалигида 137 гектар майдонда қуёш нурининг тушиши, шамол йўналиши ҳисобга олиниб интенсив технологиялар асосида экилган олма, шафтоли, гилос, ўрик, олхўри, нок кўчатлари мўл ҳосил бермоқда.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча маноалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазма саройида Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб "Бу менинг Ватаним" мавзусида кўргазма ташкил қилинди. Кўргазмада юртимизда барча жабҳаларда эришилган ютуқлар ва халқимизнинг бунёдкорлик ишлари акс этган тасвирий санъат асарлари билан танишиш мумкин.**

● **Қаршида фуқароларнинг коррупция ҳолатлари олдини олиш бўйича хабардорлиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган тадбирда вилоятда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирок этди.**

● **Қибрай туманида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танлов давомида ижрочиларнинг чиқишларини баҳолашда қўшиқнинг халқчиллиги, Ватанга муҳаббат ғоялари билан уйғунлиги, ўзига хос мусиқий оҳанги ва ижро услубига алоҳида эътибор қаратилди.**

● **Андижонда ёшлар форуми бўлиб ўтди. ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши "Истиқбол" Ёшлар қаноти ташаббуси билан "Баркамол авлод" болалар ижодиёт марказида ташкил этилган ушбу тадбир ёш авлод вакилларининг асарлари намуналари билан янада файзли ўтди.**

ЖАҲОНДА

● **Хитойда июнь ойида истеъмол нархларининг 1,9 фоиздан ошганлиги қайд этилди.**

● **Японияниng "Yamaha" компанияси сув ҳавзаларини ўрганиш, жумладан, сув тўғонларининг ҳолатини тадқиқ этишга мўлжалланган тўлиқ мустақил ҳаракатлана оладиган "Breeze" қайиғини ишлаб чиқарди. Қайиқ гидролокатор — акустик нурлаш ёрдамида сув ости объектларини товуш билан аниқлаш воситаси билан жиҳозланган. Қайиқнинг максимал тезлиги соатига 7,2 километр бўлиб, у саёз сув ҳавзаларида ҳам ҳаракатлана олади.**

● **АҚШнинг NASA космик агентлиги томонидан коинотга учирилган Juno зонди Юпитер орбитасига чиққанидан сўнг ушбу сайёрадан олинган дастлабки суратларни жўнатди.**

● **Италия жанубида иккита поезднинг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида қурбонлар сони 27 кишига етди.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

13 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Парламент қуйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар илгарироқ сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи, Қонунчилик палатасининг қўмиталари мажлисларида вазирликлар ҳамда идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида дастлабки тарзда муҳокама қилинган эди.

Парламент аъзолари ўз ишларини янги таҳрирдаги "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама этишдан бошладилар. Ушбу қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи тартибида бир гуруҳ депутатлар томонидан киритилган.

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк кунлариданоқ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фуқароларда экологик маданиятни шакллантириш масалаларига катта эътибор берилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Мустаҳкам қонунчилик базаси мазкур соҳанинг самарали ривожланишига хизмат қилмоқда. Бугунги кун воқеликлари мавжуд нормаларнинг такомиллаштирилишини тақозо этаётир. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу янги таҳрирдаги ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий мақсади ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни такрор кўпайтириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Бу ўсимлик дунёсининг турлари таркибини ва биологик хилма-хилликнинг таркибий қисми сифатида ўсимлик дунёсининг генетик фондини табиий шароитларда сақлаб қолиш борасидаги вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, қонуннинг қабул қилиниши ўсимлик дунёси объектларининг турлари камайиб бориши ёки йўқолиб кетишининг олдини олиш ҳамда сабабларини бартараф этишга, улардан илмий асосланган ҳолда оқилона ва барқарор фойдаланилиши ҳамда такрор кўпайтирилишини таъминлашга, юридик ва жисмоний шахсларнинг ушбу соҳадаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда)

ДЕПУТАТЛАР ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мажлис қизиқарли баҳс тарзида ўтганлиги мазкур ҳуқуқий ҳужжатни атрофлича муҳокама этиш имконини берди. Сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

– Ушбу қонуннинг янги таҳрири атроф-муҳитни муҳофаза қилишни кучайтиришга, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга хизмат қилади, – **дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси фракциясининг аъзоси Э.Холбўтаев.** – Бундан ташқари, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда ундан фойдаланишни ташкил этишнинг ҳозирги вақтга қадар кўп жиҳатдан қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиб келинган механизмларини эндиликда қонун ҳужжатлари билан самарали тартибга солиш таъминланади. Шунингдек, қонун лойиҳаси биологик хилма-хилликнинг ажралмас қисми сифатида ўсимлик дунёсининг кенг кўламли муҳофаза қилинишини, ваколатли давлат органлари ва муассасаларнинг ушбу соҳадаги фаолиятининг ошкоралигини таъминлайди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати катта аҳамиятга эга.

– Шуни таъкидлаш муҳимки, мазкур қонуннинг қабул қилиниши ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини ошириш имконини беради ва қонун ҳужжатларидаги камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади, шунингдек, ўсимлик дунёсининг кенг кўламда муҳофаза қилинишини таъминлайди, – **дейди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг аъзоси Ф.Ибрагимова.** – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ушбу соҳадаги нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати ҳам катта аҳамиятга эга. Бу партиямизнинг сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда муҳим омил бўлади. Фракциямиз биринчи ўқишдаги қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлашини билдирган ҳолда ушбу ҳужжатни иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида ўсимлик дунёси объектларини давлат ҳисобига олишни такомиллаштириш ҳамда давлат кадастрини юритиш, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турларини сақлаб қолишга доир талабларни кучайтириш, шунингдек, ушбу соҳадаги ваколатли органларнинг жавобгарлигини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

– Фракциямиз давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги тартибга солиш борасидаги ролини мустаҳкамлаш, ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш учун изчил ҳаракат қилмоқда, – **дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг аъзоси А.Тумишова.** – Қонун лойиҳасига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ушбу соҳадаги ваколатларини аниқлаштирувчи нормаларни киритиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатга мамлакатимиз ҳудудида ўсимлик дунёси объектларининг савдосини ҳамда уларни республикамизга олиб киришни давлат томонидан тартибга солишни назарда тутувчи нормаларни киритиш ҳам муҳимдир. Шунингдек, фракция ҳаволаки нормаларини қисқартиришга эътибор қаратди, бу ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

– Атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси дахлсизлигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини сақлаш партиямиз сайловолди дастурининг асосий йўналишларидан биридир, – **дейди Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг аъзоси Д.Тангиров.** – Партия электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу ҳужжатни иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида фракциямиз қонун лойиҳасининг иқтисодий механизмларини такомиллаштиришни, биологик ресурслардан фойдаланиш тартиби ҳамда принципларини соддалаштиришни, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши учун жисмоний ва юридик шахсларнинг масъулиятини оширишни назарда тутувчи нормаларга алоҳида эътибор қаратади. Қонун лойиҳасига ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишнинг аниқ йўлларини ҳамда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ўсимликларни сақлаб қолишга доир талабларни белгилаш, шунингдек, ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланишга, ўсимлик дунёсини ҳамда у кўпаядиган жойларни сақлаб қолишга қаратилган биотехник тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги нормаларни қонун лойиҳасига киритиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўз навбатида, бу аҳолининг экологик маданиятини оширишга, шунингдек, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда ундан фойдаланиш борасидаги фаолиятда жамоатчиликнинг иштироки кучайишига ва мазкур соҳада адолат принципини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

– "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунга киритилаётган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш масалаларининг бугунги жамият учун долзарб эканлигидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди, – **дейди Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг аъзоси С.Самойлов.** – Қонун лойиҳасида давлат сиёсати ва бошқарувининг ушбу соҳадаги асосий йўналишларини белгилашга кўмаклашадиган янги ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлаб қўйиш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, бу ҳужжатда ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш турлари, ўсимлик дунёсининг ноқонуний равишда йиғилган ҳамда тайёрланган объектларини олиб қўйиш ва мазкур соҳадаги низоларни ҳал этиш тартиби, ёввойи ўсимликларни Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш ҳамда мамлакатимизга олиб кириш қоидалари ва шартлари аниқлаштирилмоқда. Умуман олганда, қонун лойиҳаси ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни такрор кўпайтириш жараёнларини қонунчилик даражасида тартибга солишга хизмат қилади.

Сўнгра депутатлар бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан киритилган "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини муҳокама этдилар.

Депутатлар таъкидлаганларидек, ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг долзарблиги шундаки, лойиҳа Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий маълумотлар базасида мавжуд норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар матнларидан фойдаланувчиларнинг, шу жумладан, ижрочилар ҳамда аҳолининг тезкор ва кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилгандир. Лойиҳанинг қабул қилиниши ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланган ҳолда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг моҳияти ҳамда аҳамиятини фуқароларга ўз вақтида ва тўлиқ етказиш учун қўшимча шарт-шароит яратади, бу эса аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада яхшилашга хизмат қилади.

Ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси мажлис давомида ўз ваколати доирасида мазкур қонун лойиҳасининг муқобил таҳririни киритди. Мухолифат аъзолари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий эълон қилиш масалаларини аниқлаштиришга, шунингдек, қонуннинг кучга киришига тааллуқли айрим тузатишлар киритишни таклиф этдилар.

Ушбу қонун лойиҳаси кўриб чиқилганидан сўнг овозга қўйилди, унинг натижаларига кўра депутатларнинг кўпчилиги дастлабки киритилган қонун лойиҳаси учун овоз бердилар.

Амалий музокара давомида қуйи палата аъзолари, шунингдек, "Ветеринария тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини муҳокама этдилар. Қонун лойиҳаси ветеринария соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини янги таҳрирдаги "Ветеринария тўғрисида"ги Қонун нормаларига мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Депутатлар фикрига кўра, таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги зиддиятларни бартараф этишга, шунингдек, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари нормаларида қўлланилган атама ҳамда тушунчаларнинг бир хил қўлланилишини таъминлашга хизмат қилади.

Депутатлар, шунингдек, "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасига эътибор қаратдилар. Ушбу тузатишлар махсус ва ҳуқуқий масалаларни ўз ичига олган ўқув дастурига мувофиқ суд экспертларининг малакасини ҳамда ҳуқуқий билимларини вақти-вақти билан оширишнинг ягона тизимини жорий этишга қаратилганлиги таъкидланди. Қонуннинг қабул қилиниши суд экспертизаси масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормалари самарали ва бир хил қўлланилишига хизмат қилади, шунингдек, суд экспертларини тайёрлашни ташкил этишда ҳамда малакасини оширишда мавжуд бўлган камчиликларни бартараф қилиш, суд экспертизаси натижадорлигини ошириш имконини беради.

Шунингдек, парламент аъзолари ўз ишларини "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонунларга, "Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиққан ҳолда давом эттирдилар. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Жумладан, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунни акциядорлик жамиятлари устав фондидаги улуши камида 15 фоизни ташкил этиши лозим бўлган чет эллик инвесторлар иштирокида ташкил этилишини назарда тутувчи алоҳида қисм билан тўлдириш таклиф қилинмоқда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Бундан ташқари, Солиқ кодексининг айрим моддаларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар умумий юрисдикция судларида ҳамда хўжалик судларида чет эл инвестициялари иштирокидаги акциядорлик жамиятларининг давлат божини тўлашдан – уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъволар бўйича озод қилинишини, шунингдек, солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар акциядорлик жамиятлари учун – устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 15 фоиз бўлганда қўлланилишини назарда тутади.

Музокаралар натижаларига кўра, депутатлар ушбу қонун лойиҳаларини концептуал жиҳатдан маъқулладилар ва уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар. Тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда ҳужжатларни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш масъул қўмиталарга топширилди.

Мажлис давомида парламент қуйи палатаси аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

ДУНЁ ИШБИЛАРМОНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШДАН МАНФААТДОР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Боғ томчилатиб суғорилади. Бу илғор усул майдонларни суғоришда сувни икки бараваргача тежаш имкониятини беради. Ўғит сув билан эритма ҳолда айнан кўчат тупларининг ўзига етказилиши ҳосилдорликни ошириб, тупроқ эррозиясининг олдини олишга ҳам хизмат қилмоқда. Бу тадбирлар халқаро ярмарка иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Жанубий Кореядаги "Roc International" компанияси бош маслаҳатчиси Ли Мёнг Жей "Экоагропродукт" боғида пишиб етилган олма, нок ва шафтолининг сифати ва мазасига юқори баҳо берди ва уларни тўғридан-тўғри харид қилиш бўйича келишиб олди.

Шу куни "Ўзэкспомарказ"да "Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларининг устунлиги" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз олим ва тадқиқотчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари Б.Сулаймонов, Халқаро сабзавотчилик марказининг Марказий ва Жанубий Осиё бўйича минтақавий директори Варвик Исдоун ва бошқалар мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотларининг эртапишар, серҳосил, тўйимли навларини яратиш ва етиштириш билан бир қаторда, уларнинг сифатини таъминлаш, хусусан, экологик тоза технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Конференцияда Ўзбекистонда етиштирилган сабзавот ва полиз маҳсулотларининг табиий хусусиятлари, юқори истеъмол сифати, соҳада амалга оширилаётган модернизация ва диверсификация самаралари ҳақида маърузалар тингланди. Анжуманда таъкидланганидек, кейинги уч йилда 23,5 минг гектар янги токзорлар барпо этилиб, 17,4 минг гектар ҳосилдорлиги паст токзорлар реконструкция қилинган. Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан мева ва узумнинг 40 дан ортиқ серҳосил нави яратилган. Ўзбекистон Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти селекционерлари ҳар хил муддатда пишадиган ҳосилдор, юқори сифатли ҳамда касалликларга чидамли сабзавот экинларининг 41, полизнинг 5, картошканинг 6 янги навини кашф этган.

Халқаро экспертлар Ўзбекистон мева-сабзавот экспортини янада кўпайтириш учун катта салоҳиятга эга



экани, ушбу ярмарка ва конференция бу салоҳиятни ўрганиш, ўзаро фикр алмашиш ва истиқболли келишувларга эришиш учун яхши имконият яратганини таъкидлади.

Конференцияда мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришнинг тежамкор технологиялари, мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва экспорт қилиш тизимини такомиллаштириш, ушбу маҳсулотларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш, селекция ва уруғчилик, сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси давом этмоқда.

(ЎзА)

Сўз – халқаро ярмарка иштирокчиларига

ЎЗБЕКИСТОН МЕВА-САБЗАВОТЛАРИ СИФАТИ, РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ БИЛАН ДУНЁДА МАШҲУР

Тошкентда I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси давом этмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ярмаркада АҚШ, Буюк Британия, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Япония, Италия, Франция, Малайзия, Ҳиндистон, Россия, Латвия, Озарбайжон, Туркманистон, Эрон, Афғонистон, Қозоғистон каби қирқдан зиёд мамлакатдан кўплаб халқаро савдо ташкилотлари, савдо-саноат палаталари, қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашган вазирлик ва идоралар, логистика компаниялари, мамлакатимизнинг мева-сабзавотчилик соҳасида иш юритувчи корхоналари иштирок этмоқда.

ЎзА мухбирлари ярмарка қатнашчилари билан суҳбатлашди.

Эдуард СТИПРАЙС, Латвия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари:

– I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Унда кўплаб латвиялик тадбиркорлар иштирок этмоқда. Ярмарка стендларининг ҳар бири ўзига хос тарзда безатилгани, экспозициялар дизайни бетакрорлиги билан ажралиб турибди.

Ўзбекистоннинг тотли қовун-тарвузлари ва узумлари Латвияда жуда харидоргир. Улар ўзининг сифати ва хуштаъмлиги билан барчага манзур. Мамлакатингизда ишлаб чиқарилаётган сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, қуритилган мазали мевалар Рига шаҳрида 2014 йилнинг апрель ойида очилган Ўзбекистон савдо уйи ёрдамида Латвия бозорига етказиб берилмоқда.

Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорлигимиз изчил ривожланаётгани бизни ғоят қувонтиради. Айни пайтда мамлакатингиздаги қатор фермер хўжаликлари, соҳага оид илмий муассасалар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келяпмиз.

Президент Ислом Каримовнинг Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ҳар йили ўтказишга оид қарори ниҳоятда долзарб ҳужжат эканини алоҳида қайд этиш жоиз. Бу мавжуд экспортчилар фаолиятини янада ривожлантиришга, мева-сабзавотчилик соҳасига янги ишлаб чиқарувчи ва экспортчиларни жалб этишга хизмат қилади. Ярмарка Ўзбекистон тадбиркорлари учун ҳам, Латвия харидорлари учун ҳам жуда фойдали бўлиб, ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Жанг ГУЕН, "SNP System" компанияси президенти (Жанубий Корея):

– Ўзбекистон кўркам боғ-роғлари, ширин-шакар мевалари билан дунёга машҳур. Қуёш нурига тўйинган бундай мазали меваларни бошқа ҳеч қайси мамлакатда учратмаганман. Мамлакатингизда етиштирилаётган мева ва сабзавотлар, улардан тайёрланаётган маҳсулотлар юқори сифати, хуштаъмлиги ва табиийлиги билан ҳавасимизни тортди. Меваларнинг бу қадар кўплиги, турларининг хилма-хиллиги, бир-биридан мазали экани бизни лол қолдирди.

Компаниямиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги қатор корхоналар фаолияти билан яқиндан танишиш, тадбиркорлар билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро фойдали шартномалар имзолаш ниятидамиз.

Оливьер ДЮРАН, Жаҳон банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи:

– Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати ҳам изчил ривожланмоқда. Жаҳон банки мамлакатимиз билан турли соҳалар қатори мева-сабзавотчилик тармоғида ҳам амалга оширилаётган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш орқали самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик соҳаси инвестицияларимиз жалб этилаётган асосий тармоқлардандир. Зеро, мазкур соҳани ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини янада тараққий эттиришга, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Мамлакатингизда ҳусусий секторни янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларни юксак баҳолаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Ўзбекистон иқтисодий тараққиёти янада юксалиши йўлида барча соҳаларда, жумладан, қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавотчилик ва хусусий секторни янада ривожлантириш бўйича фаол ҳамкорлик қилишга доимо тайёрмиз.

Жак КАЗОР, Франция иқтисодиёт вазирлиги вакили:

– Ўзбекистонда аҳолини юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган эътиборга молик. Мева-сабзавотларингиз инсон саломатлиги учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва турли фойдали биологик моддаларга бойлиги, сифати, рақобатбардошлиги, лаззатли таъми билан дунёга машҳур.

Ўзбекистонлик олимлар ва ишбилармонлар билан мунтазам тажриба алмашиб туриш, қишлоқ хўжалиги ва агробизнес соҳасидаги икки томонлама алоқаларни ривожлантириш, ҳамкорликда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ниятидамиз.

Али Абдулла ал МАЗРОВИЙ, Бирлашган Араб Амирликларидаги "Tashkent vagetables fruits trading" компанияси бош менежери:

– Ўзбекистон мева-сабзавот ва узум етиштириш бўйича етакчи мамлакатлардан бири. Компаниямиз мева-сабзавотлар савдоси билан шуғулланади. Ярмарка доирасида Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти олимлари билан суҳбатлашиб, бир қатор янги навлар ва уларнинг хусусиятлари ҳақида билиб олдик. Тошкент вилоятидаги корхоналардан бирида ана шундай меваларни саралаш, сақлаш ва экспортга тайёрлаш жараёни билан танишдик. Бу ерда фаолият юритаётган ёшларнинг ғайрати таҳсинга лойиқ, ишлаб чиқариш жараёнида тозалик ва санитария меъёрларига қатъий риоя қилинаётгани халқаро талабларга тўла жавоб беради. Ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро манфаатли шартнома имзолаш ниятидамиз.

Жафар ҲУСАЙН, "Muez-Nest India" компанияси менежери (Ҳиндистон):

– Ташкилотимиз ўзбекистонлик тадбиркорлар билан узоқ йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келаётир. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури кўпайиб, сифати тобора ошиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Хусусан, биз Тошкент, Каттақўрғон ва Урганч шаҳарларидаги ёғ-мой корхоналарига замонавий ускуналар етказиб бераётирмиз. Ярмаркада қўшма лойиҳаларимиз қамровини янада кенгайтириш бўйича келишувларга эришдик.

Варвик ИСДОУН, Халқаро сабзавотчилик марказининг Марказий ва Жанубий Осиё бўйича минтақавий директори:

– Кейинги 20 йил давомида жаҳонда сабзавот истеъмоли йилига ўртача 5 фоиздан ўсиб келмоқда. Ўзбекистон нафақат ўз аҳолиси эҳтиёжини тўла қондирмоқда, балки кўплаб мамлакатларга ушбу маҳсулотларни экспорт ҳам қилаётир. Мамлакат экспортни янада кенгайтириш учун катта салоҳиятга эга – транспорт инфратузилмаси жадал ривожланмоқда, ташқи савдо алоқалари кенгаймоқда. Ярмарка доирасида вилоятларда соҳа ривожи борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар кўлами билан яқиндан танишмоқдамиз. Ўзбекистонда мева-сабзавотларнинг аксарият қисми фермер хўжаликларида етиштирилиши ҳам эътиборга лойиқ. Бу тез ўзгариб турадиган бозор талабига мослашиш имконини беради.

Нодира МАНЗУРОВА,
Сайёра ШОЕВА,
Муҳаммад ҚАРШИБОЕВ
ёзиб олди

Мамлакатимиздаги бирламчи тиббий-профилактика муассасаларида патронаж ойлиги бошланди.

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

ПАТРОНАЖ ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ



Ёлқин Шамсиддинов олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тиббий-ижтимоий акциядан кўзланган мақсад аҳолига кўрсатилаётган тиббий-профилактика тадбирларини янада такомиллаштириш, фертиль ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар, болалар, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган шахслар, ёлғиз кексалар, ногиронлар, сурункали касаллиги бор, ижтимоий ҳимояга муҳтож беморлар ҳолидан хабар олиш ва тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни такомиллаштиришдир.

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 3-оилавий поликлиникада ҳам ушбу тадбир уюшқоқлик билан ташкил этилди. Замонавий андозалар даражасида барпо этилиб, яқинда фойдаланишга топширилган ушбу шифо муассасаси ҳудуддаги ўн икки маҳалла аҳолисига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Эллик нафар умумий амалиёт врачи ва патронаж ҳамширалар, тиббиётнинг ўндан зиёд йўналиши бўйича мутахассислар эл хизматида.

Мазкур оилавий поликлиника ҳудуд аҳолиси билан бир қаторда ўн тўққизта мактабгача таълим муассасаси, мактаблар, коллеж ва лицейларда таҳсил олаётган қатламни ҳам бирламчи тиббий-санитария ёрдами билан қамраб олмоқда.

Тиббий патронаж тадбирларини юқори савияда ташкил этишда оилавий поликлиниканинг маҳаллалар, таълим муассасалари, нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлиги ўз самараларини бераётир. Бунинг натижасида санитария-эпидемиология муҳитини барқарор сақлаш, касалликларнинг олдини олиш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий муҳофазалашга эришилмоқда.

Патронаж ойлигини ташкил этишда оилавий поликлиника шифокорларига Миробод тумани тиббиёт бирлашмаси, 3-шаҳар шифохонаси, 4-туғруқ мажмуаси шифокорлари кўмаклашмоқда.

Шифокорлар Янгизамон маҳалласида яшовчи Холдорбековлар оиласига келди. Патронаж ҳамшира Феруза Кундузова хонадон бекаси Нозимахон ва унинг беш ойлик чақалоғи Улуғбекни тиббий кўрикдан ўтказди. Онанинг саломатлиги яхши, бола ҳам соғлом улғаяётган экан. Тиббиёт ходимлари онага болани кўкрак сути билан озиқлантиришни давом эттириш ва чақалоқни парваришлаш бўйича маслаҳат берди. Оиланинг бошқа аъзолари ҳам кўрикдан ўтказилди.

– Патронаж ҳамшира нафақат ўзига бириктирилган хонадон аъзоларининг саломатлиги, балки оиланинг ижтимоий ҳолатидан ҳам хабардор бўлиши керак, – дейди Миробод тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Нигора Раззоқова. – Негаки инсон саломатлигини асраш кўп омилларга боғлиқ бўлиб, бу жараёнда оилада тиббий маданият даражаси, турмуш тарзи, психологик, ижтимоий муҳит, тозалик, ҳудуддаги экологик ҳолат каби масалалар муҳим роль ўйнайди. Мамлакатимизда ушбу йўналишда шаклланган замонавий тиббиёт тизими ва амалга оширилаётган соғломлаштириш тадбирлари туфайли аҳоли орасида касалликларни барвақт аниқлаш кўрсаткичи ошди. Халқимизнинг ўз соғлигига эътибори ва соғлом турмуш юритишга интилиши кучаймоқда.

Тиббий патронаж ойлиги инсон саломатлигини асрашга йўналтирилган ана шундай кенг қамровли вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим омил бўлаётир. Жорий йилнинг 1 мартидан 1 апрелигача ўтказилган ойлик доирасида 19 миллиондан зиёд аҳоли қамраб олинган эди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигидан маълум қилишларича, бирламчи тиббиёт муассасаларида бу галги тадбирни ҳам юқори савияда ташкил этишга қизғин ҳозирлик кўрилди. 11 августга қадар давом этадиган ушбу тиббий-ижтимоий акцияда ўттиз мингдан зиёд умумий амалиёт врачлари ва патронаж ҳамширалар, тиббиётнинг ўттиздан кўпроқ йўналиши бўйича мутахассислар иштирок этади.

Патронаж ойлиги даврида хонадонларга қатновларни амалга ошириш билан бир қаторда мазкур хонадонларнинг тиббий-ижтимоий ҳолатини ўрганиш, аҳоли саломатлигида ҳамда касалликни юзага келтириши мумкин бўлган омиллар, мавжуд муаммолар ечимини топиш ва бартараф қилиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинларига ахборот киритиш ва тегишли чораларни белгилаш вазифалари амалга оширилади.

Маҳаллаларда, ўқув муассасалари ва корхоналарда маҳалла фуқаролик йиғинлари фаоллари, хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, таълим тизими ва бошқа нодавлат ташкилот вакиллари иштирокида касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзи асослари юзасидан тадбирлар ташкил этилади.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Маданият

ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ

Пойтахтимизда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси томонидан "Концерт-томоша сифатини янада ошириш, фонограммасиз концерт-тадбирларини ташкиллаштириш борасида олиб борилаётган устувор вазифалар" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори Фарҳод Жўраев ва бошқалар эстрада санъати соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш, концерт-томоша тадбирлари сифатини янада ошириш, фонограммасиз концерт тадбирларини ташкиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар, яратилаётган қўшиқларнинг мазмун-моҳиятини янада яхшилаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Мамлакатимизда миллий эстрада санъатини ривожлантириш, ижрочиларнинг профессионал маҳоратини ошириш ҳамда иқтидорли ёш хонандаларни кашф этиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Эстрада ижрочиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, бадиий жиҳатдан юксак мусиқа асарларини кенг тарғиб қилиш таъминланмоқда.

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси миллийлигимизга йўғрилган қўшиқларни кўпайтириш, фонограммасиз куйлаш, эстрада жанрларида айтилаётган қўшиқларнинг савиясини янада ошириш, мусиқа маданиятини нафақат хонанда, балки кенг омма орасида ҳам тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишларни олиб бормоқда.

Илгари тижорат ва реклама мақсадларида ташкил этиладиган концерт-томоша тадбирлари учун гувоҳнома берилган бўлса, энди тижорат мақсадларида ўтказиладиган тадбирларнинг сценарийлари ва дастурлари мутахассислар томонидан ўрганилиб, бепул равишда рухсатномалар бериш белгиланди.

Шунингдек, концерт-томоша тадбирларига бир марталик рухсатнома бериш юзасидан эксперт комиссияси тузилиб унинг таркибига Республика Маънавият тарғибот маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидан малакали ва тажрибали мутахассислар киритилган.

Тадбирда миллий қадриятларимизга, ахлоқ-одоб қоидаларига мос қўшиқлар яратиш, ёш ижрочиларнинг маънавий оламини юксалтириш борасидаги ишларни кучайтириш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

– Қўшиқчилик санъатини ижтимоий-маънавий ҳаётимиздаги ўрни катта, бевосита жонли ижродаги концерт дастурларига келсак, улар ҳам аста-секин кўпайиб бормоқда. Бу борада бирлашма томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, – дейди "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори ўринбосари Муроджон Мажидов. – Ҳозирги кунда фонограммадан фойдаланишга нисбатан қонуний чеклов мавжуд эмас. Бироқ концерт ва тадбирлар ўтказилаётганда истеъмолчига фонограммадан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик ҳақида маълумот берилиши шарт. Шунингдек, ижрочи қоидага кўра, фонограммадан фойдаланиш тўғрисидаги хабарда "фонограмма орқали ижро этилади" сўзлари бўлиши керак. Фонограммани бутунлай тақиқлашнинг имкони йўқ. Фақат ўз ўрни ва меъёрида ишлатишни йўлга қўйиш лозим. Бу борада дунё тажрибасини ҳам ўрганиб чиқиш зарур. Барча ижобий ва салбий хусусиятлар тарозига солиниб, бир тўхтамга келинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Юртимизда ўз истеъдоди ва санъати билан халқнинг кўнглидан жой олган санъаткорлар анча. Буни уларнинг халқаро майдонда эришаётган ютуқлари ҳам таъкидлайди. Зеро, мамлакатимизда санъат аҳли учун яратилган шароит ва имкониятлар кўлами кенгайиб бормоқда, улардан унумли фойдаланиш хонандаларнинг ўзларига боғлиқ.

Бугунги кунда жонли ижро орқали ўз дастурини тақдим этаётган санъаткорлар бармоқ билан санарли. Чунки жонли ижронинг ўзига хос мураккаб жиҳатлари ва талаблари бор. Жонли ижрода қўшиқ айтаётган хонанда залдаги тингловчи билан руҳий мулоқотга киришади. Бу нафақат томошабинга, балки санъаткорнинг ўзига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Фонограммада эса, ижрочи қўшиққа мослашишга мажбур. Жонли ижрода аксинча, хонанда ўз руҳий ҳолати ва ҳиссиётидан келиб чиқиб, қўшиқни ҳар сафар янги услубда ижро этиши мумкин. Жонли ижрони тарғиб этиш санъаткорнинг ижро маҳоратини профессионал даражага етказишга хизмат қилади.

Бу санъаткорлардан ўз ижодига янада масъулият билан ёндашишни талаб этади. Миллий эстрада санъатини ривожлантириш борасида улкан ютуқларга эришишимиз баробарида, ҳал этилиши зарур бўлган муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси миллийлигимизга йўғрилган қўшиқларни кўпайтириш, эстрада жанрларида айтилаётган қўшиқларнинг савиясини янада ошириш, анъаналаримизга амал қилган ҳолда мусиқа маданиятини нафақат хонанда, бастакор ва шоир, балки кенг омма орасида ҳам тарғиб қилиш борасида бир қатор ишларни олиб бормоқда.

Анжуманда фонограммасиз ижро, санъаткорларга лицензия бериш тартиби борасида фикрлар билдирилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олдилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши томонидан "Ўзбек халқи тарихий меросининг замонавий тараққиётдаги роли" мавзуида илмий-амалий конференция ташкил этилди.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши раиси С.Отамуродов, Темурийлар тарихи давлат музейи директори Х.Файзиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида дунё цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг тарихий меросини ўрганиш, унинг бугунги тараққиётдаги аҳамиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

"Миллий тикланиш" демократик партияси маънавий-маърифий соҳадаги ишларни янада кучайтириш, ёшларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини мустаҳкам қарор топтириш, тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни асрашга кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

– Мамлакатимиз кутубхоналарида минглаб тарихий қўлёзма асарлар сақланмоқда, – дейди ЎзА мухбирига "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи директори Бахтиёр Ҳасанов. – Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг қўлёзмалари Буюк Британия, Германия, Испания, Россия, Франция, Миср, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа кўплаб мамлакатлардаги кутубхоналарнинг олтин фондидан ўрин олгани халқимизнинг илм-фан тараққиётига қўшган улкан ҳиссасидан далолатдир.

Тадбирда "Ўзбек халқи тарихий меросининг замонавий тараққиётдаги роли" номли тўпламнинг тақдимоти ўтказилди.

Н.НАСРИЕВ

Анжуманлар

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида юртимизда тиббиёт кадрларини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва мутахассисликка йўналтириш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга юксак эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда тиббиёт йўналишида ўн тўртта олий ўқув юрти мавжуд бўлиб, уларда соғлиқни сақлаш тизими учун етук малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Дунё стандартларига жавоб берадиган тиббий технологик ускуналар билан жиҳозланган саксонга яқин тиббиёт коллежларида эса бўлажак тиббиёт ходимларига олти йўналишда сабоқ берилмоқда.

— Мамлакатимиздаги тиббиёт олий ўқув юртларида етакчи олим ва профессорлар, малакали ўқитувчилар таълим-тарбия ишлари билан бир қаторда илм-фаннинг долзарб йўналишлари бўйича изланишлар олиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси бошлиғи Ўктам Исмоилов. — Саксонга яқин илмий-амалий грант дастурлари ва инновация лойиҳалари амалга оширилди. Шундай изланишлар самарасида саксонга яқин ишланмалар Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида кенг намойиш этилди ва уларни амалиётга кенг татбиқ этиш бўйича шартномалар имзоланди. 2015-2016 йилларда соғлиқни сақлаш тизимида 43 та докторлик диссертацияси ҳимоялари амалга оширилди. Унда Россия, Жанубий Корея, АҚШ, Австрия, Япония, Бельгия, Греция каби кўплаб мамлакатлардан оппонентлар иштирок этди.

Анжуманда олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, ўрта мутахассислар тайёрлаш, шифокор ва ҳамшираларнинг малакасини ошириш борасида эришилаётган натижалар, илм-фан ютуқлари тўғрисида маърузалар қилинди. Анжуман доирасида тиббиёт таълим тизимига доир кўргазмалар, эришилган ютуқлар акс эттирилган стендлар намойиш этилди.

Гулнигор САТТОРОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри кўчаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш, транспорт коммуникациялари инфратузилмасини янада такомиллаштириш, шаҳар аҳолисига транспорт хизматини яхшилаш ва пиёдаларга қулайлик яратиш мақсадида бир қанча ҳудудларда бузиш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу ҳудудларда уй-жойлари бузилишга тушган оилаларни турар жой билан таъминлаш ишлари Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ белгиланган тартиб асосида, кўп қаватли уйларда жойлашган хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширувчи фуқароларга ер участкалари ажратиш эвазига амалга оширилмоқда.

Ҳозирда, якка тартибдаги турар жой қуриш учун ер бўлаги олиш истагида бўлган фуқаролар, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги "Қизғалдоқ" ва "Хонобод" фермер хўжалиги ерларидан (мўлжал: Олмазор туманидаги "Бешқўрғон" даҳаси рўпарасида ва Сергели тумани Қўйлиқ-5 даҳаси рўпарасида), ўзларининг хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширишлари эвазига олишлари мумкинлигини маълум қиламиз.

Маълумот учун манзил ва телефонлар:

Олмазор тумани, Сағбон кўчаси, 166-уй (мўлжал: "Гузарбоши" МФЙ), тел: (+95) 199-22-52;

Шайхонтоҳур тумани, Оқилхон Шарофуддинов кўчаси, 10-уй (мўлжал: Ўқув даволаш тиббиёт коллежи), тел: (+94) 688-88-77, (+95) 193-03-13, (+97) 745-33-36.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАНИНГ ВАКАНТ (БЎШ) БЎЛГАН ДИРЕКТОР ҲАМДА ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРЛИГИ

(Маънавий-маърифий, ўқув ишлари, ишлаб чиқариш таълими ва маъмурий-хўжалик ишлари бўйича)

ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	Чилонзор педагогика коллежи	Чилонзор тумани, 2-Қатортол, 38-А уй

Малака талаблари: олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажи талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажи талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқарма бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома (справка-объективка);
3. Таржимаи ҳол;
4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
5. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
6. Паспорт (нусхаси);
7. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги "Тошкент шаҳар давлат мулкини ижарага бериш маркази" ДК Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган маъмурий бинодаги ГВС трассасида: d76мм-ли отвод; ГВС узели; d25мм-ли труба; d20 мм-ли труба ва иситиш батареясини ўрнатишга

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тендерга таклифлар 2016 йил 18 июлгача қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: 236-39-94, 233-35-49.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Бектемир тумани ФҲДЁ бўлими мудираси Мавжуда Асатуллаевна Мақсудовага онаси

Тўхтахон ая ҲАКИМОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт янгиликлари

СУЗИШ ВА САЛОМАТЛИК

Нозима болалигида тез-тез шамоллаб, кўп ҳолсизланарди. Сурункали бронхитдан халос бўлиш учун шифокорлар унга сузишга қатнашни тавсия қилди. Онаси Гўзал опа Нозимани сув спорти мажмуасига олиб борди. Шу тариқа қизалоқ спортга қадам қўйди.

Сув спорти билан астойдил шуғулланишни ўз олдига мақсад қилган Н.Тўйчиева мактабдан қайтиб, уй вазифаларини тайёрлагач, сузиш машғулотига ошиқарди. Ана шундай қатъий кун тартиби унинг ўқишда ҳам, спортда ҳам яхши баҳоларга эришишида муҳим омил бўлаётир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самарасида мамлакатимизда ана шундай соғлом ва иродали, ўз олдига улкан мақсадларни қўядиган қатъиятли авлод вояга етмоқда.

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудида бунёд этилган замонавий спорт мажмуалари болалар билан гавжум. Юнусобод туманидаги "Саховат спорт сервис" масъулияти чекланган жамияти сув спорти саройи бир вақтнинг ўзида 100 кишига хизмат кўрсатмоқда.

– Айни пайтда 200 дан зиёд ёш спортчи ва ҳаваскор машғулотларга жалб этилган, – дейди сув спорти саройи бўлим бошлиғи Муроджон Мирзабоев. – Асосий мақсадимиз – болалар, айниқса, қизлар ўртасида спортни янада оммалаштириш, ёшларни соғлом турмуш тарзига кенг жалб қилиш, терма жамоалар таркибини иқтидорли спортчилар билан бойитишдан иборат.

Кенг сув ҳавзаси сувни тозалаш, автоматик алмаштириш ва фильтрлаш, мўътадил ҳароратни сақлаш воситалари билан таъминланган. Гимнастика ва тренажёр зали, тиббий хизмат кўрсатиш, кийим алмаштириш ва ювиниш хоналари тегишли инвентарлар билан жиҳозланган.

Машғулотлар якка тартибда сузишни ўрганишдан бошланади. Сувга тушганда тўғри нафас олиш, махсус воситалар ёрдамида қўл ва оёқ ҳаракатларини тўғри бажариш орқали болада дастлабки кўникмалар шакллантирилади. Кейин болалар гуруҳларга бўлиниб, сузиш усулларини ўрганади. Машғулотлар болани зериктирмаслик ва толиқтирмаслик учун қатъий жадвал асосида қизиқарли тарзда олиб борилмоқда.


Мутахассисларнинг таъкидлашича, сув спорти рахит, сколиоз ва церебраль фалаж хасталикларининг олдини олиш ва асоратларини даволаш, танада қон айланиши ва мушаклар фаолиятини яхшилаш, асаб тизими, нафас йўллари касалликларини профилактика қилишга хизмат қилади. Сузиш билан шуғулланиш боланинг суяк тўқималари ўсиши ва мустаҳкамланишига қулай шароит яратиб, иммун тизими, уйқу ва иштаҳа яхшиланиши, ортиқча вазндан халос бўлишида қўл келади.

Сув спорти саройида тарбияланувчиларнинг ота-оналари билан мунтазам суҳбатлар ўтказилиб, бола ҳаётида спортнинг аҳамияти, фарзандларини турли хасталиклардан муҳофаза қилишда санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш зарурлиги ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилади.

– Ўғлим Орифжон тез-тез шамоллаб, ўзини ҳолсиз сезарди, – дейди юнусободлик Олим Юсупов. – Шифокорлар тавсиясига кўра, ўғлимни сузиш тўгарагига бердик. Уч ойдан бери сузишга қатнашиб, саломатлиги анча мустаҳкамланди. Бундан хурсандмиз. Ҳозир унга эргашиб қизим Фарзона ҳам сузишга қатнаяпти.

Сув спорти саройида сузиш бўйича Ўзбекистон миллий ҳамда Олимпия терма жамоалари аъзолари доимий машғулот ўтказади. Айни дамда жорий йилнинг сентябрь ойида ўтказиладиган "Сув париси" халқаро турнирига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири



Муҳаммад Амин олган сурат

ЯНГИ ЎЙИН ҚОИДАЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШДИ

Ўзбекистон футбол федерацияси анжуманлар залида биринчи лигада фаолият олиб бораётган ҳакамлар ва назоратчилар иштирокида семинар ташкил этилди.

Семинарда ҳакамлар ва назоратчилар ФИФА томонидан келгусида жорий этилаётган футболнинг янги қоидалари, ўйин давомида учрайдиган турли вазиятлар жумладан, тўпни қўл билан ўйнаш, тактик фол, жараён, ўйиндан ташқари ҳолат, ҳакамлар ҳамда уларнинг ёрдамчилари ҳаракатлари қандай бўлиши лозимлиги ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

Айрим матбуот нашрлари хабарларига кўра 29-31 июль кунлари Татаристон пойтахти — Қозон шаҳрида фахрийлар жамоалари ўртасида халқаро футбол турнири ўтказилади.

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) ишбилармонлар кенгаши котибияти кубоги деб номланаётган ушбу халқаро турнирда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Арманистон, Россия, Беларусь, Хитой фахрийлар жамоалари ғолиблик учун кураш олиб боришади. Ушбу турнирни ташкил этишдан мақсад Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатларда футболни янада ривожлантириш ва оммалаштиришдан иборат.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ҲАМЮРТИМИЗ ЖАҲОН ФУТБОЛИ ЮЛДУЗЛАРИ ҚАТОРИДА

Хитой мамлакатининг биринчи рақамли савдо белгиларидан бири Huawe компаниясининг пойтахтимиздаги офисида уюштирилган тадбирда мазкур компания вакиллари, ўзбек футболи мутасаддилари ва мутахассислари иштирок этишди.

Унда Huawe компанияси йиғилганларга ўзининг янги қаҳрамонини таништирди. ФИФА рефериси, ўтган йили жаҳоннинг энг яхши ҳаками деб эътироф этилган ҳамюртимиз, 2010 ва 2014 йиллардаги жаҳон чемпионатлари иштирокчиси, Осиёнинг беш карра энг яхши ҳаками Равшан Эрматов ўтказилган шартнома имзолаш ва тақдимот маросимида Хитой компаниясининг янги "юзи"га айланди. Тадбирда Равшан Эрматов ушбу келишув икки томонлама фойдали бўлишига ишонч билдирди.

Дарвоқе, бу Хитой компанияси ҳамда мамлакатимиз футбол мухлислари учун катта воқеа эканлиги иштирокчилар томонидан эътироф этилди. Чунки шу кунгача мазкур компания Месси, Левандовски, Санчес, Родригес каби футбол юлдузлари билан ҳам ҳамкорлик шартномаси имзолаган.

Дилдора ҲАСАНОВА

ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ

Ўлкамизда ёз фасли ҳукм сураётган бир вақтда мактаб ўқувчиларининг дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида ёзги таътилни мароқли ўтказишларини таъминлаш мақсадида бир қатор тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Жумладан Маънавият тарғибот маркази Юнусобод тумани бўлими, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Маданият ва спорт ишлари бўйича туман бўлими ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши каби қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида жойлашган "Транспортчи авлод" номли ёзги болалар дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳида "Ватан келажаги сенинг қўлингда!" шиори остида маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбири ўтказилди.

Тадбир давомида "Қувноқ стартлар" мусобақаси, "Юртим жамоли" шиори остида асфальтга расм чизиш кўрик-танлови ҳамда "Сиз тарихни биласизми?", "Оммавий маданият" ва унинг салбий оқибатлари", "Одам савдоси – давр муаммоси" каби мавзулардаги давра суҳбатлари болажонларнинг зеҳнини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Қолаверса шоир ва ёзувчилар томонидан шеърлар ўқилди ҳамда санъаткорларнинг куй ва қўшиқлари йиғилганларга янада кўтаринки кайфият бахш этди.

— Мен ёзги таътилни ушбу оромгоҳда ўтказаётганимдан хурсандман, — дейди оромгоҳ тарбияланувчиси Даврон Тошгемиров. — Бу ерда янги дўстлар орттириб, улар билан ҳар куни кўнгилочар ўйинлар ва мусобақалар ҳамда тарбиячи опаларимиз ёрдамида турли тўгаракларда иштирок этиб, бўш вақтимизни мазмунли ўтказмоқдамиз.

Тадбир давомида ўтказилган давра суҳбатлари ва мусобақаларда фаол иштирок этган оромгоҳ тарбияланувчиларига ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Зафар НАЗАРОВ

ОИЛАДА ОТА-ОНАНИНГ ЎРНИ

Ҳар бир ёш оила қуриб, янги ҳаётга қадам қўяр экан, аввало, турмуши ширин ва бахтли бўлишини истайди. Бироқ қуруқ истакнинг ўзи етарли эмас. Чунки, оила деб аталмиш бўстонда ҳаёт бир текис кетмайди. Бу эса эр ва хотиндан сабр-тоқатли бўлишликни, аҳилликни талаб этади. Йўқса, арзимаган гап-сўзлар, келишмовчиликлар муносабатларни емириши, ҳаётни боши берк кўчага киритиб қўйиши мумкин.

Абдусалим Маҳмудов (исм-фамилия ўзгартирилган) ширин орзу-ниятлар билан Латофатга уйланди. Орадан йиллар ўтиб ўғил ва қизли бўлишди. Аммо фарзандлар туғилиши оила ришталарини мустаҳкамлай олмади. Рўзғордаги майда-чуйда гап-сўзлар бора-бора оилани ажралиш остонасига олиб келди. Табиийки, Латофат бир муддат фарзандларини алиментсиз боқиб келди.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг буйруғига асосан Абдусалим Маҳмудовга вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун ҳар ойда ойлик ва бошқа даромадларининг учдан бир қисми миқдорида алимент пулини тўлаши мажбурияти юклатилган эди. Бироқ у белгиланган алимент пулини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келди. Шу ўринда айтиш керакки, Абдусалим Маҳмудов юриш-туриши билан маҳаллада ҳам ўзининг салбий томонларини кўрсатган. Жиноят ишлари бўйича суд томонидан унга нисбатан икки марта ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган эди. У бундан ҳам хулоса чиқармаган экан. Алимент пулларини қасддан тўламай келган Абдусалим Маҳмудов суднинг ҳукмига кўра, айбли, деб топилди ва у олти ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Юриш-туришининг тайини йўқ, устига-устак муқаддам судланган Дониёр Анваров (исм-фамилия ўзгартирилган) ҳам икки нафар вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун алимент пулларини тўламаган. Ваҳоланки, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг ижро варақасига асосан қарздор Дониёр Анваровдан ундирувчининг фойдасига иш ҳақи ва бошқа даромадларининг учдан бир қисми миқдорида алимент пуллари ундирилиши белгиланган эди. Бироқ у ҳам алимент пулларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келди. Фарзандларини унутган бу ота суднинг ҳукми билан икки йил озодликдан маҳрум қилинди.

Ота-онанинг фарзандлари олдидаги мажбуриятидан бири вояга етмаган болаларига таъминот беришидир. Бу мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота қонуний жавобгарликка тортилади. Ўз фарзандлари тақдирига бу қадар бефарқ қарайдиган оталар учраб туриши афсусланарли ҳолат, албатта. Ундайларга нисбатан қатъий жавобгарлик чоралари белгиланган.

Оила жамиятнинг кичик бир бўлаги ҳисобланиб, унинг мустаҳкамлиги юртнинг келажагини белгиловчи омилдир. Шундай экан, муқаддас даргоҳ — оила бутунлигини сақлаш ва фарзандлар таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканлигимизни унутмайлик.

Шерзод ЮЛДАШЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Сергели туман судининг судьяси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

Солиқ академияси сайланиш муддати тугаган, танловдан ўтгунга қадар лавозимга тайинланган педагог ходимларнинг лавозимларини қайта эгаллаш учун, шунингдек, бўш (вакант) кафедралар мудири, профессор-ўқитувчилар лавозимларини жамлаш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАНЛОВДА ҚАТНАШУВЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ:

Кафедра мудирларига:

- ОТМда бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларидан бири бўйича фан доктори ёки номзоди илмий даражасига, профессор ёки доцент илмий унвонига эга бўлиши зарур.
- Йўналиши бўйича камида 5 йиллик самарали иш стажига эга бўлиши лозим.

Профессорларга:

- ОТМда бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларидан бири бўйича фан доктори илмий даражасига ёки профессор илмий унвонига эга бўлиши.
- Камида 5 йиллик илмий-педагогик иш стажга эга, таълим йўналиши бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалар муаллифи бўлган, номзод илмий даражасига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахс бир муддатга қатнашиши мумкин.

Доцентларга:

- ОТМда бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларидан бири бўйича фан номзоди илмий даражасига, доцент илмий унвонига эга бўлиши зарур.
- Камида 3 йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган, мазкур таълим йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалар муаллифи бўлган юқори малакали мутахассис ҳам бир муддатга қатнашиши мумкин.

Катта ўқитувчи ва ўқитувчиларга:

- Педагогик фаолиятида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга эга;
- Дунё ОТМ бўйича 300 та ўринда турган таълим муассасаларини битирган ва PhD дипломига эга бўлган.

ТАНЛОВДА ҚАТНАШУВЧИЛАР УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ЭТИЛАДИ:

- Ректор номига ариза;
- сўровнома;
- таржимаи ҳол;
- 1 дона 4x5 ҳажмдаги фотосурат (сўровномага ёпиштирилган ҳолда);
- иш жойидан тавсифнома (ҳужжат топширгунга қадар ишлаган бўлса);
- олий ўқув юртини тугатганлик ҳақидаги диплом;
- кафедра мудири, профессор номзодларига;
- фан доктори ва профессор илмий унвони ҳақидаги ҳужжат;
- илмий даражаси ва илмий унвони ҳақидаги ҳужжат;
- чоп қилинган илмий ишлари ҳақида маълумотлар.
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

Эълон чиққан кундан бошлаб ҳужжатлар **бир ой давомида** қабул қилинади.

Ҳужжатлар Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа кўчаси, 3-уй, Солиқ академияси биноси 210-хонада қабул қилинади. Тел: 230-16-36.

Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси	
- кафедра мудири	– 1 нафар;
- профессор	– 3 нафар;
- доцент	– 2 нафар;
- катта ўқитувчи	– 2 нафар;
- ўқитувчи	– 1 нафар.
Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси	
- профессор	– 1 нафар;
- доцент	– 2 нафар;
- катта ўқитувчи	– 1 нафар;
- ўқитувчи	– 1 нафар.
Молия ва кредит кафедраси	
- кафедра мудири	– 1 нафар;
- профессор	– 1 нафар;
- катта ўқитувчи	– 1 нафар.
Иқтисодий фанлар кафедраси	
- профессор	– 1 нафар;
- доцент	– 1 нафар;
- катта ўқитувчи	– 1 нафар;
- ўқитувчи	– 1 нафар.
Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси	
- профессор	– 1 нафар;
- доцент	– 1 нафар;
- катта ўқитувчи	– 1 нафар;
- ўқитувчи	– 1 нафар.
Юридик фанлар кафедраси	
- кафедра мудири	– 1 нафар;
- профессор	– 1 нафар;
- доцент	– 1 нафар;
Тиллар кафедраси	
- кафедра мудири	– 1 нафар;
- доцент	– 1 нафар;
- ўқитувчи	– 1 нафар.
Информацион технологиялар кафедраси	
- кафедра мудири	– 1 нафар;
- доцент	– 1 нафар;
- катта ўқитувчи	– 1 нафар.
Жисмоний тарбия кафедраси	
- кафедра мудири	– 1 нафар;

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан "YUNUS RAJABIY NOMIDAGI TOSHKENT PEDAGOGIKA KOLLEJI" давлат корхонасига (ИНН 201199893), 24.04.2006 йилда берилган №001920 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **15 июль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **15 июля** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-4294

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 755

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5414 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 14.50

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ